

4

2018

MOLIY A

ILMIY JURNAL



ISSN 2010-9604

TOSHKENT

МОЛИЯ ВА БЮДЖЕТ

О.О.ОЛИМЖОНОВ, Т.С.МАЛИКОВ. Молия фани шаклланиши ва ривожланишида аждодларимиз хизмати хусусида баъзи мулоҳазалар	5
---	---

БАНК ИШИ

У.ОРТИҚОВ, М.ОРИПОВ. Дунё мамлакатларида янги тўлов тизими сифатида ривожланаётган криптовалюталар таҳлили ҳамда блокчейн дастури	16
Ж.Э.КУРБАНБАЕВ, М.Т.ИБОДУЛЛАЕВА. Тижорат банкларини молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига ўтказишнинг долзарб масалалари	24

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ

Б.К.ХАМДАМОВ. Организация бухгалтерского учета и аудита Узбекистана в условиях цифровой экономики.	31
Д.КУДБИЕВ. Бухгалтерия ҳисобининг долзарб муаммолари	37
И.И.ХУСИНОВ, С.А.ЖУМАНАЗАРОВ. Хўжалик юритувчи субъектларда бюджетлаштириш	44
А.Б.АБДУЛЛАЕВ. Системный подход в методологии бухгалтерского учета	50

ПЕНСИЯ ИШИ

Д.Р.РУСТАМОВ. Пенсия жамғармаси молиявий барқарорлигини ошириш ва инвестиция сиёсатини фаоллаштиришнинг илғор хориж тажрибаси	60
З.БЕКНАЗАРОВ. Ўзбекистонда бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини ошириш таҳлили	71

ИНВЕСТИЦИЯ ВА ИННОВАЦИЯ

С.ГУЛЯМОВ. “Ақлли таълим” ва “ақлли тиббиёт” да инвестицияларнинг самарадорлигини ошириш омиллари	79
Ж.И.КАРИМҚУЛОВ. Ривожланган индустриал мамлакатларда эркин иқтисодий ҳудудларнинг ташкил этилиши ва инвестициялар оқимининг ривожланиш тенденциялари	86

УЎТ 336.330

Ж.Э.КУРБАНБАЕВ, М.Т.ИБОДУЛЛАЕВА

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИНГ
ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИГА ЎТКАЗИШНИНГ ДОЛЗАРБ
МАСАЛАЛАРИ**

Мақолада Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларини молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига ўтказиш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолар аниқланган ва уларни ҳал қилишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган.

В статье выявлены актуальные проблемы, связанные с переходом коммерческих банков Республики Узбекистан на международные стандарты финансовой отчетности и разработаны предложения, направленные на решение этих проблем.

The article reveals the actual problems associated with the transition of commercial banks of the Republic of Uzbekistan to international financial reporting standards and developed proposals aimed at addressing these problems.

Таянч сўзлар: бухгалтерия ҳисоби, молиявий ҳисобот, курсдаги фарқ, баланс, фойда, зарар, пул маблағлари, баланснинг активи, баланснинг пассиви, дахлдор шахслар.

Ключевые слова: бухгалтерский учет, финансовая отчетность, курсовая разница, баланс, прибыль, убыток, денежные средства, актив баланса, пассив баланса, связанные лица.

Key words: accounting, financial statements, exchange difference, balance, arrivals, lesion, cash, active balance, passive balance, related persons.

Кириш

Молиявий ҳисоботлар миллий стандартларининг халқаро стандартларга уйғунлашувини таъминлаш хўжалик юритувчи субъектлар ва банклар фаолиятини молиявий бошқаришни такомиллаштиришнинг зарурий шarti ҳисобланади. Шу боисдан ҳам, 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” да амалга оширишга оид давлат Дастурида миллий стандартларнинг халқаро стандартлар билан уйғунлашуви жараёнини жадаллаштириш вазифаси қўйилган [1]. Бу эса, тижорат банклари молиявий ҳисоботларини халқаро стандартларга (МҲХС) ўтказиш масаласини илмий асосда тадқиқ қилиш заруриятини юзага келтиради.

Адабиётлар шарҳи

Бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартларининг “Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш” стандартига (1-МҲХС) кўра, молиявий ҳисобот ўз ичига баланс-ни, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботни, капиталнинг ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботни, пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботни, ҳисоб сиёсати тавсифини ва молиявий ҳисоботга изоҳларни олиши керак [2].

8-МҲХС – “Даврдаги соф фойда ёки зарар, ҳисоб сиёсатидаги сезиларли хатоликлар ва ўзгаришлар” стандартида маълумот, уни сохталаштириш фойдаланувчиларнинг молиявий ҳисобот асосида қабул қилинган иқтисодий қарорларига таъсир қилсагина, сезиларли ҳисобланади.

Н.Соколинскаянинг фикрига кўра, мазмуннинг шаклдан устуворлиги МҲХС-нинг муҳим талабларидан бири ҳисобланади. Аммо буни таъминлаш қийин. Чунки, тижорат банклари операцияларининг бухгалтерия ўтказмаларининг Марказий банк томонидан қатъий тартибга солиниши мазкур принципни тўлиқ рўёбга чиқариш имконини бермайди [3].

Г.Алексееванинг хулосасига кўра, пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларида бир-биридан ажартилган ҳолда кўрсатилиши керак. Бу эса, молиявий активларнинг шаффофлигини оширишга хизмат қилади [4].

Н.Бушмелеванинг фикрига кўра, хорижий валютадаги активлар ва мажбуриятларни қайта баҳолаш масаласига аниқлик киритиш керак. Курслар ўртасидаги фарқ тушунчаси бир хил актив ёки мажбурият қийматини турли саналарда қайта ҳисоблаш натижасида юзага келадиган фарқ суммасига нисбатан қўлланилиши керак. Аммо амалиётда хорижий валютада товарлар суммасини олдиндан тўлаш ва олдиндан тўлов суммасини қабул қилиб олиш билан боғлиқ қайта баҳолаш натижасида юзага келадиган фарқ суммаси ҳам курслар ўртасидаги фарқ сифатида инобатга олинмоқда [5].

Услубиёт ва таҳлиллар

1-МҲХС бўйича бухгалтерия ҳисобининг таянч тамойиллари қуйидагилар ҳисобланади:

- * фаолиятнинг узлуксизлиги;
- * бухгалтерия ҳисоби қоидаларининг барқарорлиги;
- * тушумни аниқлаш учун даромад ва харажатлар ҳисобини ҳисоблаш усули бўйича олиб бориш;
- * мазмуннинг шаклдан устуворлиги;
- * маълумотларни МҲХС талабларига мувофиқ ҳолда ишончли акс эттириш;
- * ҳисоб сиёсати қўлланиладиган тамойиллар мазмунини очиб бериш;
- * активлар ва пассивларнинг ўзаро воз кечилишига йўл қўймаслик;
- * муҳимлилик ва агрегатлаш;
- * таққослама маълумотлар.

Ўзбекистон Республикасида тижорат банкларининг эълон қилинадиган молиявий ҳисоботи фақат баланс, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот, пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот ва капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги йиғма ҳисоботни ўз ичига олади.

Ҳисоб сиёсатининг тавсифи, молиявий ҳисоботга изоҳлар эълон қилинадиган молиявий ҳисоботларда ўз аксини топмаган.

8-МҲХС – “Даврдаги соф фойда ёки зарар, ҳисоб сиёсатидаги сезиларли хатоликлар ва ўзгаришлар” стандартига мувофиқ, ўтган даврларга тегишли бўлган хатоликларни тузатиш учун тақсимланмаган фойданинг бошланғич сальдосига тузатиш киритилади. Бунда ҳар бир даврга тегишли бўлган тузатиш суммаси тегишли даврнинг соф фойдасига ёки соф зарарига киритилади. Муқобил ёндашув тузатиш суммасини соф фойда ёки жорий даврнинг зарарига олиб боришга руҳсат этади. Шундай қилиб, операцияларни амалга оширишдаги ўзгартиришларни молиявий ҳисоботда акс эттиришда икки хил ёндашув қўлланилади:

1. Асосий ёндашув.

Бунда ўзгартиришлар молиявий ҳисоботда тақсимланмаган фойданинг бошланғич сальдосига қилинган тузатиш сифатида акс эттирилади.

2. Муқобил ёндашув.

Бунда ўзгартиришлар жорий даврнинг фойдаси ёки зарари таркибида акс эттирилади.

Ўзбекистон Республикасида, бухгалтерия ҳисоби қодаларига мувофиқ, кейинги даврларга тегишли бўлган даромадлар ва харажатлар келгуси давр даромадлари (харажатлари) ҳисоб рақамларида ҳисобга олинади. Ҳозирги даврда тақсимланмаган фойданинг бошланғич сальдоси тушунчаси амалиётда қўлланилмайди.

24-МҲХС – “Дахлдор шахслар тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш” стандартига кўра, томонлар дахлдор шахс сифатида баҳоланиши учун улар бир-бирларининг молиявий ва операция қарорлар қабул қилиш жараёнига сезиларли даражада таъсир кўрсата олиши лозим.

Мазкур стандарт дахлдор шахсларнинг тавсифини кенг маънода талқин қилган ва мазмуннинг шаклдан устуворлиги, муҳимлилик, асосли қараш каби муҳим принципларни ўзида акс эттирган.

29-МҲХС – “Типеринфляция шароитида молиявий ҳисобот” стандартида тижорат банкининг фаолияти натижалари ва молиявий ҳолати тўғрисидаги маълумотларни молиявий ҳисоботда юқори инфляция даражасини ҳисобга олмасдан туриб акс эттирилиши ушбу маълумотлардан фойдаланувчиларни жиддий чалғитиб қўйиши мумкин. Бунинг сабаби шундаки, юқори инфляция шароитида активлар ва пасивларнинг ҳамда даромадлар ва харажатларнинг реал қиймати пасаяди.

29-МҲХС талабларига кўра, юқори инфляция шароитида хариднинг ҳақиқатдаги қиймати ёки жорий қиймат бўйича акс эттириш принципи асосида тузилган молиявий ҳисобот баланс ҳисоботи санасида мавжуд бўлган пул бирлигида акс этган бўлиши керак. Бунинг учун молиявий ҳисоботга умумий баҳо индексини, яъни ялпи ички маҳсулот дефляторини қўллаш йўли билан тузатишлар киритилади. Бунда пул шаклидаги активлар қайта кўриб чиқилмайди, чунки, улар ҳисобот санасидаги пул бирлигида акс эттирилган.

Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботнинг барча моддалари ҳисоботни тузиш санасидаги пул бирлигида акс эттирилганлиги сабабли унга, даромадлар ва харажатларни акс эттириш санаси билан, ялпи ички маҳсулот дефляторини қўллаган ҳолда тузатиш киритилади. Аммо Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия қонунчилигида инфляцияни ҳисобга олган ҳолда молиявий ҳисобот кўрсаткичларини акс эттириш бўйича меъёрий талаблар мавжуд.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг замонавий ривожланиш босқичида инфляцияга қарши курашиш долзарб масалага айланди. Шу сабабли Ўзбекистон тарихида биринчи марта инфляцион таргетлаш режими 2018 йилдан бошлаб босқичма-босқич жорий этилмоқда [6]. Бунинг сабаби шундаки, 2017 йилда инфляция даражасининг олдинги йилларга нисбатан кескин ўсиши юз берди. Агар 2016 йилда республикада инфляциянинг йиллик даражаси 5,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2017 йилда унинг йиллик даражаси 14,4 фоизни ташкил этди [7].

Инфляциянинг юқори шароитида 29-МҲХС талабларини қабул қилиш, фикримизча, Ўзбекистон банк амалиёти учун муҳим аҳамият касб этади.

Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартида молиявий активларнинг амортизация қилинадиган қийматини аниқлаш ва уларнинг қадрсизланишини баҳолашга алоҳида эътибор қаратилади.

МҲХСлари талабига мувофиқ, молиявий инструментларнинг амортизация қилинадиган қийматини ҳисоблашда самарали фоиз ставкаси усули қўлланилиши керак.

Самарали фоиз ставкаси шундай фоиз ставкасики, у молиявий инструмент бўйича қутилаётган давр мобайнидаги барча пуллик тушумлар ва тўловларнинг ҳисобланган суммасини уларнинг дастлаб тан олинган соф баланс қийматиغا келтириш имконини беради (дисконтлаш йўли билан).

Самарали фоиз суммасининг ставкасини ҳисоблаш учун ҳар бир тегишли ҳисобот даврида самарали фоиз ставкаси актив ёки мажбуриятнинг ўтган ҳисобот даврининг сўнгидаги амортизацияланган қийматиغا кўпайтирилади. Мазкур давр учун ҳисобланган самарали фоиз билан активнинг фоизли купони ўртасидаги фарқ суммаси мазкур даврдаги амортизация суммаси ҳисобланади.

МҲХС қоидаларига кўра, барча молиявий мажбуриятлар дастлабки тан олингандан сўнг самарали фоиз ставкасини қўллаган ҳолда амортизацияланган қиймат бўйича баҳоланиши керак. Бироқ мазкур қоидалар қуйидаги турдаги молиявий мажбуриятларга нисбатан қўлланилмайди:

1. Адолатли қиймат бўйича баҳоланадиган молиявий мажбуриятлар.

Чунки мазкур турдаги молиявий мажбуриятлар шу даврдаги фойда ёки зарар таркибида ҳисобга олинади.

2. Молиявий активни узатаётганда тан олинishi тўхтамайдиган ҳолатда юзага келадиган молиявий мажбуриятлар.

3. Бозор ставкасидан паст бўлган фоиз ставкаларида кредитлар бериш бўйича битимларда юзага келадиган молиявий мажбуриятлар.

Кредитлар бозор ставкасидан паст бўлган фоиз ставкаларида берилганда улар дастлабки тан олингандан сўнг 37-МҲХС – “Захиралар, шартли мажбурият-

лар ва шартли активлар” стандартига мувофиқ аниқланган сумманинг нисбатан юқори аҳамияти бўйича баҳоланади. Бунда молиявий мажбурият суммаси дастлабки тан олинган сумма билан амортизация ажратмалари суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

МҲХС талабларига мувофиқ, барча молиявий активларнинг қиймати, адолатли қиймат бўйича баҳоланадиган активлардан ташқари, қадрсизланиши бўйича тан олинishi керак.

Тижорат банклари қимматли қоғозларининг қадрсизланиши уларнинг молиявий ҳолатига нисбатан кучли салбий таъсирни юзага келтириши мумкин. Шу сабабли молиявий активларнинг қадрсизланиши бўйича МҲХС талабларини ҳисобга олиш республикамиз тижорат банклари учун муҳим амалий аҳамият касб этади.

Қимматли қоғозлар қадрсизланган шароитда тижорат банкининг бухгалтерия ҳисобида уларнинг жорий қиймати ҳисобланиши керак. Ўз навбатида, қимматли қоғозларнинг жорий қиймати уларнинг дастлабки қиймати билан пасайгандаги қиймати ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

МҲХС талаби бўйича тижорат банклари қимматли қоғозларнинг қадрсизланишидан кўрилган зарарларни қоплашга мўлжалланган захираларни ташкил қилиши зарур бўлади.

Фикримизча, молиявий активларнинг қадрсизланиши бўйича захиралар ташкил қилиш талабини ҳозирги даврда Ўзбекистон Республикаси банк амалиётида қўллаш учун зарур шарт-шароитлар мавжуд эмас. Яъни биринчидан, миллий валютанинг қадрсизланиш суръати юқори; иккинчидан, инфляция даражаси юқори. Бундай шароитда қимматли қоғозларнинг қадрсизланиши натижасида кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларини ташкил этиш тижорат банкларининг молиявий ҳолатига нисбатан кучли салбий таъсирни юзага келтириши мумкин.

2017 йилда миллий валютанинг АҚШ доллариға нисбатан қадрсизланиш суръати қарийб икки баробарни ташкил этди, инфляция даражаси эса, 14,4 фоизни ташкил этди [8].

Эътироф этиш жоизки, молиявий ҳисоботлар халқаро стандартларининг қўлланилиши тижорат банклари томонидан молиявий ҳисоботлардаги маълумотларни сохталаштириш муаммосини ҳал қилиш имконини бермайди. Масалан, акциядорлар тижорат банкининг капиталлашиш даражасини ошириш мақсадида банкнинг устав капиталига пул маблағларини киритадилар. Аммо ушбу киритилган маблағларнинг ҳаммасини ўзларига тегишли бўлган фирмалар ва компанияларға кредит сифатида бериш йўли билан қайтариб олишлари мумкин. Лекин молиявий ҳисоботда тижорат банкининг капиталлашиш даражаси ошган ҳолда кўриниб тураверади.

Шунингдек, тижорат банкининг фойдасини ҳам сунъий равишда ошириш мумкин. Бунинг учун тижорат банклари, одатда, қуйидаги усуллардан фойдаланишади:

- * ўзларининг мажбуриятларини дисконт ставкаси бўйича сотиб олиш;
- * активларни реструктуризация қилиш;

* муаммоли кредитларни векселга қайта расмийлаштириш.

Қуйидаги жадвал маълумотлари орқали республикаимиз тижорат банклари регулятив капитали тақрибидаги ўзгаришларга баҳо берамиз.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг регулятив капитали таркибидаги ўзгариши [9]

фоизда

Капитал таркиби	2016 й.	2017 й.	2017 йилда 2016 йилга нисбатан ўзгариши, ф.п.
Устав капитали	64,7	81,6	16,9
Қўшимча капитал	0,5	0,3	- 0,2
Захира капитали	16,3	7,6	- 8,7
Тақсимланмаган фойда	18,5	10,6	- 7,9
Жами капитал	100,0	100,0	x

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадикки, 2017 йилда 2016 йилга нисбатан устав капиталининг регулятив капитал ҳажмидаги улуши юқори даражада (16,9 ф.п.) ошган. Мазкур ошиш захира капитали ва тақсимланмаган фойданинг регулятив капитал ҳажмидаги улушларининг пасайиши ҳисобига юз берган.

Аммо Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг эълон қилинадиган молиявий ҳисоботлари маълумотларидан регулятив капитал таркибидаги ўзгаришларнинг сабабларини аниқлаш имкони йўқ.

Таклиф ва хулосалар

Юқорида қайд этилган муаммоларни ҳал қилиш мақсадида, фикримизча, қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Марказий банк томонидан тижорат банкларининг эълон қилинадиган молиявий ҳисоботларига қўйиладиган талабларни кучайтириш орқали мазкур молиявий ҳисоботлар таркибига ҳисоб сиёсати тавсифини ва молиявий ҳисоботга изоҳларнинг киритилишини таъминлаш керак.

2. Ўтган даврларга тегишли бўлган хатоликларни тузатиш учун тақсимланмаган фойданинг бошланғич сальдосига тузатиш киритиш тартибини жорий қилиш лозим.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларининг молиявий ҳисоботларидаги кўрсаткичларга инфляциянинг таъсирини акс эттирадиган меъерий талаблар жорий қилиниши лозим.

4. Тижорат банкларининг эълон қилинадиган молиявий ҳисоботларида регулятив капитал таркибидаги ўзгаришлар сабабларини аниқлаш имконини берадиган даражада маълумотлар тўлиқлигини таъминлаш зарур.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, тижорат банкларини молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига тўлиқ ўтказилишини таъминлаш 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг долзарб масалаларидан бири

ҳисобланади; иккинчидан, республикамиз тижорат банкларида молиявий ҳисоботлар халқаро стандартларининг 1-шакли талаблари тўлиқ инобатга олинмаган, хусусан, тижорат банкларининг эълон қилинадиган молиявий ҳисоботида ҳисоб сиёсатининг тавсифи ва молиявий ҳисоботга изоҳлар ўз аксини топмаган; учинчидан, 8-МҲХС – “Даврдаги соф фойда ёки зарар, ҳисоб сиёсатидаги сезиларли хатоликлар ва ўзгаришлар” стандартидаги тақсимланмаган фойданинг бошланғич сальдосига тузатиш киритиш талаби Ўзбекистон банк амалиётида қўлланилмайди; тўртинчидан, 29-МҲХС – “Гиперинфляция шароитида молиявий ҳисобот” стандартида тижорат банкнинг фаолияти натижалари ва молиявий ҳолати тўғрисидаги маълумотларни молиявий ҳисоботда юқори инфляция даражасини ҳисобга олган ҳолда акс эттириш талаби республикамиз банк амалиётида мавжуд эмас; бешинчидан, молиявий ҳисоботлар халқаро стандартининг амалдаги талабига мувофиқ, молиявий инструментларнинг амортизация қилинадиган қийматини ҳисоблашда самарали фоиз ставкаси усули қўлланилиши лозим. Бироқ молиявий активларнинг қадрсизланиши бўйича захиралар ташкил қилиш талабини ҳозирги даврда республикамиз банк амалиётида қўллаш учун зарур шарт-шароитлар мавжуд эмас, деб ҳисоблаймиз. Мазкур хулосамиз миллий валютанинг қадрсизланиш суръати ва инфляция даражасининг юқори эканлиги билан изоҳланади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308 – сонли 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида”ги фармони. www.lex.uz.
2. International Accounting Standards. The Full text of all International Accounting Standards extant at 1 jule. 2017. – London: International Accounting Standards Committee.
3. Соколинская Н.Э. Банковская отчетность. Банковское дело: Учебник. – М.: КНОРУС, 2016. – С. 789
4. Алексеева Г.И. Проблемы формирования отчетной информации о финансовых инструментах/Банковское дело. – М., 2010. – №1. – С. 78.
5. Бушмелева Н.В. Сближение с МСФО: совершенствование российских правил бухгалтерского учета/Международный бухгалтерский учет. – М., 2006. – №12. – С. 12.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3272-сонли “Пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. www.lex.uz.
7. Пул-кредит сиёсати соҳасида 2017 йилнинг IV чорагида амалга оширилган ишлар. www.cbu.uz.
8. Монетар сиёсатнинг 2018 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари. www.cbu.uz.
9. Статистика. www.cbu.uz.